

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИОЛИЙВАЎРТА
МАХСУСТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК - МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛЬТЕТИ

“БАНК ВА ЖАМҒАРМА ИШИ” КАФЕДРАСИ

РАВШАНОВ ЖАХОНГИР

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОХАСИ
РИВОЖЛАНИШИДА БАНК КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ
(“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ” МАТЕРИАЛЛАРИ
МИСОЛИДА)”**

«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ»
«Банк ва жамғарма иши»
Кафедраси мудири
_____ и.ф.н., З.Д.Ниёзов
« ____ » _____ 2014

Битирувчи: 5340700 -“Банк иши”- таълим йуналиши
4-курс талабаси Равшанов Жаҳонгир_____

Илмий раҳбар: _____ З.Д.Ниёзов

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш

1-БОБ. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий услубий асослари.....7

1.1. Туризмнинг мазмуни, моҳияти ва туристик маҳсулот тўғрисида тушунча.....7-10

1.2. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....10-14

1.3. Туризм соҳаси ташкилотлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати ҳамда хориж тажрибасининг аҳамияти.....14-25

2-БОБ. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг ўрни.....25

2.1. «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти тўғрисида.....25-33

2.2. «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит сиёсатининг туризм соҳасига ажратилган кредитларнинг тутган аҳамияти.....33-38

2.3. Банк томонидан туризм соҳаси ташкилотларига кредит берилиш тартиби38-43

3-БОБ. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларини такомиллаштириш йўллари.....44

3.1. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари45-54

3.2. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларини такомиллаштириш йўллари...54-57

3.3. Маъмуриятнинг хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш мажбуриятлари.....57-65

Хулоса ва таклифлар.....66-67

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....68-71

КИРИШ

Битурув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Мамлакатни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётда туризм ўзига хос муҳим ўрин эгаллайди. Бой тарихий-маданий ва табиий-иқтисодий ресурслар Республикамизда хорижий ва миллий туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш шарқона меҳмондўстлик ва ғарб хизмат стандартларини ўзаро уйғунлаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан туризм соҳасида юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мазкур соҳада бозор муносабатларини ривожлантириш, тармоқда ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш ва шу асосда туристик корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, туризм соҳасини ислох қилиш борасида Республикамизда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ “Ўзбектуризм” МК ташкил этилди.

Маълумки, туризм соҳасини ривожлантириш кўплаб иш ўринларини яратилишига, аҳолини иш билан таъминлаш ва аҳоли даромадлари ошишига олиб келади. Шу муносабат билан Президентимиз ҳам ўз маърузаларида “Айни пайтда, шунинг ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади. Бу вазифа авваламбор демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти

барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир”¹ деб таъкидлаганини алоҳида эътиборга олиш лозим. Бу билан биз ҳар бир соҳада ислохотлар чуқурлаштирилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Битурув малакавий ишнинг объекти ва предмети. Ишнинг бевосита тадқиқот объекти сифатида мамлакатимиз минтақаларидаги туристик ресурслар ва Самарканд ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” тижорат банки.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб туризм соҳаси ташкилотларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнида банкларнинг кредити. Бинобарин, Республикамизда туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар етарлидир.

Битурув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Республика мисолида туристик ресурсларни ўрганиш ва баҳолаш асосида мамлакатда минтақавий туризмни муаммоларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги вазифалари белгиланди ва ҳал этилди:

- Ўзбекистонда туризм ривожланишининг банк кредитларининг ўрни
- Туристларга хизмат кўрсатиш ва хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини аниқлаш;
- Ўзбекистонда туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда кредитларини такомиллаштириш йўллари
- Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

¹И.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. 27 январ 2010 йил Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан. 28 январ 2010 йил “Халқ сўзи” газетаси.

- Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;
- Ўзбекистон минтақавий туризмни ривожлантириш имкониятлари ва шарт шароитлари аниқлаш;

Республикада маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантиришда туристик маҳсулотлар турларини аниқлаш ва туризм ташкилотларига банклар томонидан ажратиётган кредитлар миқдори ҳамда кредит тақдим этилиши муаммолари ва уларнинг ечимини топиш мазкур ишнинг асосий ҳимоя жиҳатларини белгилайди.

Битурув малакавий ишнингянгилиги. Бажарилган битирув малакавий ишининг илмий янгилиги Республикада туризмни ривожлантиришда банкларнинг ўрнини ошириш билан тавсифланади.

Шунингдек, ишда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топган:

- Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда кредитларини такомиллаштириш йўллари;
- Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолати аниқланди;
- Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда банк кредитларининг имкониятлари ва шарт шароитлари ўрганилди;
- Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда банк кредитларининг йўналишлари ва истиқболлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг туризм соҳасига кредит ажратишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишнингтузулиши ва ҳажми.Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 70бет бўлиб, 4 та жадвал ва 8 та расмданиборат.

1-БОБ.Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий услубий асослари

1.1. Туризмнинг мазмуни, моҳияти ва туристик маҳсулот тўғрисида тушунча

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туризм тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: "Туризм - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий - амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)".

Туризм саёҳатнинг хусусий ҳолати сифатида узига хос аниқ чекланишлар, тавсифномаси ва кўплаб таърифларга эга.

Саёҳатдан фарқлироқ туризм категорияси кўпроқиктисодиёт таъсиридадир ва келиб чиқиши жихатдан икки киррали ҳисобланади. Туризм - бу аниқ оммавий саёҳат туридир ва шу билан бирга саёҳатларни амалга оширадиган ва ташкил этадиган соҳадир.

Туризмнинг умумий таърифини келтириб, уни ташкил этувчи элементларнинг кенг тавсифини берамиз.

Туризм - бу одамларнинг бўш вақтларида уз доимий турар жойларидан бошқа мамлакат ёки уз мамлакатлари ичида таъссурут ва дам олиш, соғликни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий амалий мақсадларида саёҳат қилишлари, лекин борган жойларида пул билан рағбатлантириладиган иш билан шуғулланмайдилар².

Бундан ташқари туризмга турли даврларда турлича ёндашилгандир. Бу борада бир қатор тушунчаларни келтириш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Туризм сўзининг негизи ҳисобланган «**Tour**»сўзи лотинча «**Tornare**»сўзидан келиб чиққанбўлиб, доиравий шакл маъносини англатади. Бу сўз маъносини

² И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. Экономика туризма. -35 с

ўзгартирмасдан бошқағарб тилларига ҳам кириб келган. Масалан, французчада «айланиш» маъносига тўғри келувчи «tourner» ва «tour» сўзлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда. Инглизчада эса туризм сўзи, турист сўзидан кейин 1811 йилларда юзага келган. Немисчада эса фақатгина «auslander» (ажнабий ёки хорижий) сўзи ишлатилар эди. 1958 йилда немис тилида алоҳида эътиборга олиниб туризмнинг эквиваленти бўлмиш «remdenverkehr» ёки «tourismus», турист сўзининг эквиваленти эса «turist» тарзида қулланила бошланди. Интернационал Вебстер луғатида тур (tour) нинг маъноси қуйидагича ифодаланган: иш, завқ олиш ўқиш учун қилинадиган саёҳат ва бу саёҳатлар мобайнида турли хил жойларни зиёрат қилишдан ва режалаштирилган саёҳат дастуридан юзага келадиган жараён тур деб аталади. Саёҳатчи маълум муддатдан сўнг ўз юртига қайтади. Этимологик хатога йўл қўймаслик ва бу ходисанинг чегараларини белгилаш мақсадида туризм сўзини аниқ таърифлашга ҳаракат қилинган, чунки: тадқиқот ва таҳлил қилишда; статистик маълумотларни тўплашда; қонуний ва маъмурий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек улар билан ишлашда; туризмнинг иқтисодий-ижтимоий механизмни белгилашда муҳим касб этади.

Илк маротаба Европалк олимлар туризмни иқтисодий фаолият эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар.

1930 йиллардан кейин Англиядаги иқтисодчи олимлар туризмнинг иқтисодий томонларига чуқурроқ ёндашишган. Норвал ва Огилвиелар туристлар томонидан қилинадиган ҳаракатларни савдо балансига таъсири устида тадқиқотлар олиб боришган³.

Булардан ташқари, туризмни айрим соҳаларга мансуб олимлар ҳам тарифлаганлар. Булардан энг машхурлари Mathiot, Glucksmann ва Krapf лардур. Бу олимларнинг таърифларича, истеъмол функциясига вақтинча истиқомат қилиш, саёҳат ва тунаш жойлари ҳам киради. Олимлардан хусусан WalterHunzikerning туризмга берган соддагина таърифи, бу соҳанинг илмий

³ Файзиёва Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмни такомиллаштириш. и.ф.н. дисс.-ЎЗМУ, 2006. -6.39

пойдевори, деб хисобланган «ажнабийларнинг бир жойга қилган саёхатларидан таркиб топган ва давомли истиқомат қилиш, пул ишлашни мақсадқилмасдан, вақтинча тунаб қолишларидан юзага келадиган муносабатлар мажмуи - бу туризмдир». Аммо, олим бу таърифни ҳам унчалик тўлиқ эмаслигини айтиб ўтган.

Юқорида кўриб чиқилган олимларнинг илмий қарашларидан келиб чиқиб туризмни қуйидагича таърифлашимиз мумкин:

Туризм, давомлий яшайдиган, ишлайдиган ва муҳим эҳтиёжларни қондирадиган жойлардан ташқарига қилинадиган саёхатдир. Тунаш вақтинчалик зарурий бир эҳтиёждир. Саёхатга чиққан ва тунаб қолган киши, маълум бир вақтдан сўнг ўзи яшайдиган жойга қайтади.

Саёхатга чиққан ва вақтинча тунайдиган кишилар асосан туризм корхоналари томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ва хизматларни талаб қилишади. Бу фаолиятлари мобайнида турли хил воқеа ҳодисалар ва муносабатлар юзага келади.

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳамма соҳалар бўйича товар ва хизматларни танлаш имкониятига эгадирлар. Бунинг таъсирини туризм соҳасида ҳам кўриш мумкин. Чунки истеъмолчиларнинг талаби доимо ўзгариб туради; улар янги таъсуротларни қондиришади ва кундалик ҳаётининг ўзгариши эса уларнинг фикрларини осонгина ўзгартиради, шу боис истеъмолчи қизиқишларини, нимани афзал кўришларини ва уларнинг муносабатларини билиш нихоятда мураккаб жараён ҳисобланади.

Туристтик маҳсулотларни истеъмол қилишнинг қийинлашиши туризм тижоратига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки туризм талабида янги сегментлар пайдо бўла бошлади, шу жумладан туризмнинг ҳам янги кўриниши ва шакллари таркиб топди.

Юқори даражадаги туристтик хизматларга талаб суръатининг пасайиши кузатилди. Масалан, Германияда 1960-1980 йиллар орасида туристтик йуналишлар сони 1,9 марта кўпайди, агар 1960 йилда туристтик саёхатларда аҳолининг 27%иштирок этган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 57,7%, 1987

йилда 64,6%ни ташкил этди. Буни қуйидагича изохлаш жоиз, чунки туризмда нафақат бойлар, балки аҳолининг умумий қисми ҳам иштирок эта бошлади. 1980 йилларга келиб ўсиш суръати пасайди, бироқ ишлаб чиқариш хажмининг юқори даражадалиги билан мувозанат сақлабқолинди.

Талабнинг тартибга солиниши бир томондан туризм тижоратини ишончилигига кафолат бўлса, иккинчи томондан фирмалар учун хизматлар бозорида ўз «улуши»ни топиш қийинлашиб борди.

Янги ташкил этилган туристик фирмалар учун айникса, мураккаб шароит юзага келди. Чунки улар ўз махсулотларини бозорда позитсиялаштиришлари керак эди.

Жаҳон туризм индустриясидаги ихтисослашув ва диверсификация талабларининг чуқурлашиб бориши, туристик фирмаларни бир мунча қийин ахволга солиб қуйди. Рақобатнинг ташкилий туризм бозорида кучайишини туроператорлар сонини ўсиб бориши, чет эл рақобатчи фирмаларнинг бозорга чиқиши, туристик хизматлар кўринишидаги махсулотларни таклиф қилувчи бошқа субъектларнинг кўпайиши (масалан, Ғарбий давлатларда авиакомпанияларнинг туризм бозорига туроператор сифатида кириб келиши) билан изохлаш мумкин.

1.2. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси мустақил ривожланиши ва бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш натижасида унинг иқтисодиётида кўпгина ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жамиятимизнинг барча тармоқлари ва муносабатларининг янгиланиши кейинги йилларда рўй берган кенг кўламли воқеалардан бири бўлди. Бу янгиланиш ижтимоий тараққиёт моҳиятини янги мазмун билан бойитдики, бу ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги шарт-шароитлари заминида вужудга келди. Ҳозирги кунда «Халқаро туризмда сиёсатни шакллантириш» фани дунё бўйича тараққий этаётган тармоқлардан бирига айланиб бораётгани сўзимизга исбот бўла олади. У фақат туризмда

сиёсатни шакллантириш эмас, балки ўзида сиёсий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий манфаатларни ҳам акс эттиради. Туризм ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган давлатлар халқ хўжалигининг даромадли соҳасига айланишга улгурди. Чунки туристик маҳсулот энг кўп экспорт қилиниш хусусиятига эга. Бунинг учун эса мамлакатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурмоғи лозим.

Республикамизда туризм сиёсатини шакллантириш, иқтисодиётни ўрганиш, уни ташкил этиш ва бошқариш муҳим масалалардан бири бўлганлиги сабабли, у иқтисодиёт учун зарур бўлган тармоқлардан бирига айланмокда. Ички ва халқаро туризм сиёсатини шакллантириш, бу соҳани ўрганиш, мутахассислар тайёрлаш ғоят муҳим масала бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам туризм соҳаси бўйича ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни бозор иқтисодиёти туфайли юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш ва шу орқали Ўзбекистонни ҳам халқаро ва ички туризми ривожланган мамлакатга айлантириш муҳим вазифадир.

Бизнинг мамлақтимизда давлат дастурига биноан, ягона туризм тармоғини шаклланиши, соҳанинг тез суръатларда тараққий этиши, мустаҳкам туризм сиёсатини шакллантиришда, инфратузилмани режали равишда йўлга қўйишда республикамиз Президенти томонидан 1995 йил 2 июнда чиқарилган «Буюк Ипак Йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини тўла таъминлаб, Республикада халқаро туризм сиёсатини шакллантиришнинг замонавий туризм инфратузилмасини барпо қилиш тўғрисидаги фармони муҳим аҳамият касб этади.

Туризмни янада ривожлантириш ва уни ташкил этишни такомиллаштириш, сайёҳлик хизматлари бозорида кичик ва ўрта сайёҳлик ташкилотларининг қатнашишини фаоллаштириш, шунингдек хорижий инвесторларни туризм соҳасига жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 8 август №346 қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги «2005

йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» ва 1999 йил 30 июндаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги фармонларини бажариш, юртимизда туризм бўйича замон талаблари даражасида мутахассис кадрлар тайёрлайдиган махсус таълим муассасаларини яратиш, ҳамда шу асосда мамлакатимизда туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 2 июл №324 – сонли қарори қабул қилинди. Бу қарорни қабул қилиниши ҳам туризм соҳасини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1999 йил 20 августда «Туризм тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши Республикамизда туризм тармоғини кенгайтиришга ва ривожланишига олиб келди. Бу қонуннинг қабул қилинишидан мақсад туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистонда туризм сиёсатини шакллантиришнинг ҳалқаро миқёсда ривожлантириш, унинг ривожланиш шарт-шароитларини ўрганиш ва туризм бошқарув системасини халқаро даражаларга етказиш мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва Ўзбекистон туризмида илғор тажрибаларни қўллаш, халқаро туризмни ривожлантириш мақсадида давлат томонидан берилган имтиёзларни замон талабига мос ҳолда ўрганиб, илмий-амалий йўналишларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Жаҳон, ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда Республикамиз иқтисодчи олимларининг ўрганилаётган муаммоларга доир асарлари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги замон йўналишига оид илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган меёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Буюк Ипак йўли»ни тиклашда ва халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистоннинг иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармони, бир қанча қонунлар, чунончи: «Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2015 йилгача бўлган давлат дастури», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Туризм тўғрисида қонуни» ни⁴ ташкил қилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда халқаро туризм соҳаси муҳим аҳамиятга эга соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бу соҳа мамлакат бюджетининг асосий қисмини қопловчи даромад манбаига айланган. Бутун жаҳон туристик ташкилоти сўнгги йилларда катта ютуқларга эришмоқда. Туристлар асосан қадимий, тарихий ёдгорликларга бой мамлакатларга интиломоқдалар. Табиийки, туроператорлар ҳам ҳар бир турист учун курашадилар. Ўзбекистон туризми муаммоларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан ажратиб алоҳида ривожлантириш мумкин эмас. Туризм соҳаси билан иқтисодиётнинг 30дан ортиқ тармоқлари боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим. Улар орасида авиация, автомобиль, қурилиш, умумий овқатланиш, алоқа, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни кўриб чиқиш керак бўлади. Халқаро туризм сиёсатини шакллантиришда маълум бир муаммоларни ҳал қилиш даркор. Шу билан бирга республикамызда туризмни ривожлантириш учун қуйидагиларни бажариш лозим.

1. Туризм бўйича очиқ иқтисодий ҳудудларни барпо қилиш;
2. Хорижий туристларнинг оқимлари ва қизиқишларига қараб кўшимча хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш;
3. Янги туристик маршрутларни яратиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;
4. Янги меҳмонхоналар, кемпинглар, дам олиш зоналарини қуриш;
5. Туристтик меҳмонхоналар ва хўжаликларни жиҳозлаш учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;

⁴«Халқ сўзи» газетаси 2021й. 14-сентябрь

6. Меҳмонхона ва хизматларни кенгайтириш билан турмахсулот сифатини ошириш.

7. Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, уни республикамизда татбиқ этиш.

8. Хусусий туристик фирмалар ташкил қилиш ва уларга кенг имкониятлар яратиш чораларини кўриш.

Юқоридаги таклифлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда халқаро туризм сиёсатини шакллантиришда хорижий сайёҳлар сафарини узайтириш ва шу орқали валюта тушиш имкониятларини янада кенгайтириш лозим.

Хорижий туристлар сонини кўпайтириш учун Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини жаҳоннинг барча чеккаларидаги истеъмолчиларга маркетинг фаолиятини қўллаб, ахборот етказиш зарур.

Барча тармоқлар қатори туризм соҳасига ҳам (касб эгаларига) профессионал ходимлар жуда зарур. Республикамизда туризм сиёсатини ривожлантириш учун шу соҳага оид чора-тадбирларни шакллантириш зарур. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш намунасини (моделини) тезроқ шакллантиришда юқори малакали ходимларнинг ўрни катта. Президентимизнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган ҳолда, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида туризм мутахассислари тайёрланиб берилмоқда.

1.3 Туризм соҳаси ташкилотлари ривожланишининг ҳозирги ҳолати ҳамда хориж тажрибасининг аҳамияти

Дунё мамлакатлари, шу жумладан республикамиз иқтисодётида туризм соҳаси ва меҳмонхона бизнеси ўз урнига эга. Чунончи, туризм соҳасига дунё ялпи миллий маҳсулотининг қарийб 6 %, жаҳон инвестициясининг 7 %, хар ўн олтинчи иш жойи, дунё истеъмоли харажатларининг 10 % вабарча тушумларининг 5 %и тўғри келади; бутун дунё бўйича туризм соҳасида банд бўлган ишчи-ходимлар сони 250 млн. кишидан ортади; дунё миқёсидатуристрлар оқими 2005 йилда 534 млн.

кишини, 2007 йилда эса 898 млн. кишини ташкил қилди. 2010 йилда туристлар сони 960 млн. кишига етди, 2020 йилга келиб бутун жаҳон туристик ташкилоти башоратига кўрауларнинг сони 1,6 млрд. кишига етади. Бу 2000 йилги кўрсаткичларидан 3 марта кўпдир⁵ Республикамизда ҳам бу соҳада яратилаётган миллий даромад миқдори йилдан йилга ошиб бормокда. 2012 йилда туристик хизматлар ҳажми 23,4 млрд. сўмни, меҳмонхона хизматлари ҳажми 45,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2001 йилда бу хизматлар турларидан олинган даромадлар, мос равишда, 45,1 млрд. сўмни ва 63,8 млрд. сўмни ташкил этди⁶.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзбектуризм» МК томонидан тасдиқланган махсус «Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш дастури»да 2010 йил охирига келиб, 2006 йилга

1.3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда туристик ва меҳмонхона хизматларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари

№	Хизмат турлари	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2006 йилга нисбатан
1	Ҳамаи хизматлар ҳажмининг ҲИМдаги улуши, %	39,0	41,7	44,3	47,0	49,0	1,3 барабар
2	Ҳамаи хизматларнинг йилдан- йилга ўсиш суръати, %	113,2	114,3	115,2	118,8	121,1	2,1 барабар
	Шу жумладан:						
2.1	Туристтик-экскурсион хизматлар	115,0	117,0	119,0	122,0	126,0	2,5 барабар
2.2	Меҳмонхона хизматлари	115,0	120,0	122,0	123,0	130,0	2,7 барабар


нисбатан туристик хизматлар ҳажмини 2,5 барабар, меҳмонхона хизматлари ҳажми 2,7 барабарга ошириш кузда тутилган эди. (1.3.1. -жадвал).

⁵Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари
Монография. – Т. "Иқтисод-молия", 2008 – 556, 576., 1116.

⁶www.stat.uz маълумотлари

Туризм ва меҳмонхона бизнеси соҳаларида фаолият юритаётган корхоналар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормокда. Биргина, (Самарқанд вилоятида 2010 йилнинг бошида «Ўзбектуризм» Миллий компаниасининг 2000 ўринга эга 2 та, бошқа вазирлик ва идораларга карашли 211 ўринга эга 2 тахусусий секторга карашли 1000 га яқин уринга эга 20 тадан ортиқ меҳмонхоналар ҳамда 40 тадан ортиқ туристик фирмалар мавжуд⁷.

Туристтик-меҳмонхона мажмуалари иктисодий самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили булиб, улар томонидаи юритилаётган фаолият турларидан олинадиган даромадларни купайтириш хисобланади. Ишда туристик-меҳмонхона мажмуалари хусусиятларидан ҳамда Республикамизнинг меъёрий-ҳукукий ҳужжатлари талабларидан келиб чикиб, улар даромадларини асосий фаолият ва асосий бўлмаган фаолият турларига булиб, уларнинг даромадлари таркиби асосланди (1.3.1- расм).



1.3.1-расм. Туристтик-меҳмонхона мажмуалари даромадларининг таркиби⁸

⁷«Ўзбектуризм» МК Самарқанд вилояти ҳудудий бошкармаси маълумотлари

⁸Ўзбекистон Республикаси “Турзм тўғрисида”ги қонуни асосида

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2011 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2010 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди”⁹ деб таъкидлаганлигини инобатга олиш зарур ва бу соҳада кўплаб ишлар амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида давлат томонидан эътибор кучайтирилмоқда, ушбу соҳада ҳам Президентимизнинг қуйидаги сўзларини ҳисобга олиш зарур “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.


2012 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида — 374 мингга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — қарийб 220 мингга, касаначилик ҳисобидан эса — 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2012 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизмати кўрсатиш, маиший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари қанча юқори суръатлар билан ривожланди. Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишни таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада

⁹ И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил март

хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди”.¹⁰

Туризм тизимининг ҳозирги ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, туризм ривожланишини ифодаловчи барча иқтисодий кўрсаткичларда ўсиш кузатилади. Бу эса тармоқни ислоҳ қилиш, унинг моддий-техника базасини таъмирлаш ва туристларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳисобланади. Республикамизда туризм соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари республикамизда туристлар оқимининг ошишида ўз аксини топмоқда.



1.3.2-расм. Ўзбекистонда 2003-2012 йилларда туристларга хизмат кўрсатиш динамикаси, миң киши

Манба: “Ўзбектуриз Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

Шу билан бирга 1.3.1-диаграммамаълумотлари Ўзбекистонда туристлар сонининг ўзгаришида аниқ бир тенденция кузатилмаётганлигидан далолат беради. Гарчи туристлар сони умуман ўсиш тенденциясига эга бўлаётган

¹⁰ И.А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” 2009 йил март


бўлсада, баъзи йилларда пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Чунончи, 2003 йилда жами 770,2 минг нафар туристга хизмат кўрсатилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 4,2 фоизга кўпайди ва 802,95 минг кишини ташкил этди. Аммо 2003 йилга нисбатан 2008 йилда туристлар сони 21 фоизга қисқарди. 2008 йилдан бошлаб эса хизмат кўрсатилган туристлар сони динамикасида муттасил ўсиш кузатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 2011 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатилган туристлар сони бўйича мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткичга эришилди ва бу 2010 йил кўрсаткичидан 7,7 фоизга кўп демакдир. 2012 йилда эса мамлакатимизда 916 минг турист қайд этилган.

Хизмат кўрсатилаётган туристлар сони динамикасида бундай нотекис тенденциянинг вужудга келиши бир қатор омиллар билан изоҳланади. Мамлакатимизда барқарор молиявий-иқтисодий ҳолатнинг шаклланмаганлиги, туризм инфратузилмасининг талаб даражасида эмаслиги, туристик расмийликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, кўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганлиги ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига мувофиқ келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Ўзбекистонда визалар қиймати нисбатан қиммат. Республикаимизда туристик бизнес ва молиявий соҳа қонунчилигида юз бераётган тез-тез ўзгаришлар ҳам хорижий турфирмалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакат туристик бизнес соҳасида юзага келган вазиятга кадрлар малака ва касбий тайёргарлик даражасининг етарли эмаслиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизга ташриф буюрган жами туристлар сони 2003 йилда 552,8 минг кишидан 2011 йилда 657,83 минг кишигача, яъни қарийб 19 фоизга ўсган бўлса, хорижий туристлар сони 278 минг кишидан 377,45 минг кишига, яъни 35,8 фоизга кўпайган



1.3.3-расм. 2004-2012 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони динамикаси, минг киши

Манба: “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси маълумотлари асосида тузилган

Бунинг натижасида мамлакатимизга ташриф буюраётган жами туристлар сониди хорижий туристлар улуши ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2004 йилда жами туристларнинг 50,3 фоизини хорижий туристлар ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 57,4 фоизга етган. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий туристларнинг жами туристлардаги салмоғи таҳлил қилинаётган давр мобайнида 49,7 фоиздан 42,6 фоизгача пасайган. Умуман, 2004-2012 йиллар давомида маҳаллий туристлар сони 2 фоизга ўсган, холос. Ўзбекистонда туристларнинг ўртача яшаш даври МДХ мамлакатлари бўйича 4-5 кунни, узоқ хориж мамлакатлари бўйича 3 кунни ташкил этади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, республикамизда ички туризм ривожланишига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, жаҳон бўйича жами туристик оқимнинг 80-90 фоизи ички туризм ҳиссасига тўғри келиб, ички туризмга сарфланадиган харажатларнинг халқаро туризмга сарфланадиган харажатлардан 5-10 марта юқорилиги кузатилади¹¹. Бундай тенденциянинг вужудга келиши ички туризмни ташкил этишнинг нисбатан енгиллиги билан изоҳланади. Ички туризм халқаро туризмдан фарқли ўлароқ давлат чегараларини кесиб ўтишни тақозо этмайди ва шунга мувофиқ равишда қатор туристик расмийликларга амал қилишни талаб қилмайди. Ички туризмда миллий валюта муомала воситаси сифатида сақланиб қолади, тил билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлмайди.

Шу муносабат билан республикамизда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим. Зеро, халқаро туризмнинг ривожланишида ички туризм катализатор ролини бажаради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий туризм модели ривожланиш босқичида бўлиб, унда ўзбек халқининг менталитети – шарқона меҳмондўстлик ва ғарб хизмат стандартларининг уйғунлашувига эришишга асосий эътибор қаратилмоқда. Туризм соҳасида юз бераётган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мазкур соҳада бозор муносабатларига асосланган туризм моделини шакллантиришга йўналтирилган.

Шу мақсадда Республикамизда туристик инфратузилмани ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч шаҳарларида йирик меҳмонхоналар қуриб ишга туширилди, Термиз, Шаҳрисабз, Бухорода меҳмонхоналарни халқаро андозалар асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда, янги авиалайнерлар ва қулай туристик автобуслар сотиб олинди, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганчдаги аэропортлар замонавий талаблар асосида таъмирланди, туристик марказларни

¹¹ Александрова А.Ю. Международный туризм. – М.: Аспект Пресс, 2001. – с.18

туташтириб турувчи автомобиль ва темир йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш орқали хорижий ва миллий туристларни қабул қилиш имкониятига эга бўлган юзлаб хусусий меҳмонхоналар очилди. Рекрецион минтақаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Чорвоқ-Чимён минтақасида бир вақтнинг ўзида 800 нафаргача туристларни қабул қила оладиган туристик мажмуа куриб ишга туширилди. Мазкур мажмуада таклиф этилаётган сервис хизмати сифати халқаро андозалар талабларига жавоб беради.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей тадбирлари давомида “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси кўмагида 100 дан ортиқ тарихий обидалар қайта тикланди.

Туризм соҳасида амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари соҳада ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш ва туристик корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Шу муносабат билан “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар билан бир қаторда туризм билан шуғулланиш лицензиясига эга турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган хорижий инвесторлар ва тадбиркорларга тақдим этилган енгилликлар ва имтиёзлар тизими кўплаб мамлакатлар иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйновчи йирик меҳмонхоналар империялари билан бир қаторда меҳмонхоналар менежментини амалга оширувчи унчалик йирик бўлмаган фирмалар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Бу йўналишда республиканинг энг нуфузли ҳамкорлари Германия ва Италия бўлиб, улар меҳмонхоналар тармоғига йирик инвестициялар киритиш, уларнинг юкланишини таъминлаш, хизматлар экспортини амалга ошириш, Ўзбекистон тўғрисида, унинг диққатга сазовор жойлари, халқи, тарихи ва маданияти тўғрисида фаол реклама фаолиятини юритиш имкониятига эгалар.

Шу билан бирга мамлакатдаги молиявий-иқтисодий аҳволнинг беқарорлиги, меҳмонхона ва туристик инфратузилманинг такомиллашмаганлиги, туристик расмиятчиликларни амалга оширишда бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги, кўшни мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қарор топмаганлиги ва бошқалар туризм ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар деярли мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги хизматлар сифати кўп ҳолларда унинг нархларига мувофиқ келмайди. Ўзбекистон бўйлаб турлар таклиф қилаётган хорижий операторлар мамлакатга кириш визаларини расмийлаштиришдан бошлаб кўплаб муаммоларга дуч келадилар. Улар элчихоналар ва консулликлардан зарурий ёрдамни ололмайдилар.

Бундай салбий тенденцияларни олдини олиш учун республикамизнинг туристик имкониятларидан тўлароқ ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

Айниқса, республикамиз вилоятларининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда туристик компаниялар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Агар 1995 йилда ушбу минтақаларнинг жами хизматлардаги салмоғи 78,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 85,9 фоизга тенг бўлган.

Туризм ривожланишида бундай минтақавий тафовутнинг вужудга келишида туризм моддий-техника базасининг Ўзбекистон ҳудудлари бўйича нотекис жойлашганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. “Ўзбектуризм” Миллий Компаниясининг маълумотларига кўра, бугунги кунда туризм ишлаб чиқариш қувватларининг 40 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, 37 фоизи – Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари, 16 фоизи Фарғона водийси ҳиссасига тўғри келади. Республикамиз ҳудудининг 50 фоизидан кўпроғи

тўғрикеладиган қолган вилоятлар ҳиссасига туризм ишлаб чиқариш салоҳиятининг атиги 7 фоизи тўғри келади, холос.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон туризм соҳасида юз берган ўзгаришларга қарамасдан туризмнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 0,3 фоизни, жаҳон туризмидаги салмоғи 0,01 фоизни ташкил этади, холос. Республикамизнинг туризм соҳасини ривожлантириш учун йирик салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич жуда паст ҳисобланади.

2-БОБ. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларининг ўрни

2.1. «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти тўғрисида.

Тўлиқ расмий номланиши: “Ўзбекистон саноат – қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банки.

Қисқартирилган расмий номланиши: “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ. “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ Ўзбекистон Республикасидаги энг бой тарихга эга молия муассасаларидан бири саналади. Унинг тарихи Тошкентда Саноатбанкнинг Ўрта Осиё идораси очилган вақтдан, яъни 1922 йилдан бошланади.

Банкнинг асосий йирик акционерлари: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналари.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ бошқа акционерлари сирасига қуйидагилар киради: “Ўзтрансгаз” АК, "PHARMED" хусусий корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Тошкент иссиқлик электр станцияси” УК, “Absolute Investments Trust” МЧЖ, “Талимаржон IES” УК, “Ўзбекенерго” ДАК, “Asset Invest Trust” МЧЖ, “Ўзбекистон Темир Йўллари” ДАТК, “Шўртан газ кимё мажмуаси” УШК.

Банк ҳақида маълумот:

Ўзсаноатқурилишбанкнинг тарихи 1922 йилдан бошланади — шу йили Тошкентда Саноатбанкнинг Ўрта Осиё идораси очилган ва бу мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг юртимизда сифат жиҳатдан янги, икки босқичли банк тизими шакллана бошлади ва таъсис йиғилишда Ўзсаноатқурилишбанк акциядорлик тижорат банкига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасидаги етакчи саноат корхоналари ва

пудратчи ташкилотлари унинг таъсисчилари бўлди. 2008 йил якунлари бўйича йиллик акциядорлар йиғилишида қабул қилинган қарорга мувофиқ банкнинг юридик номи ўзгартирилди. Банкнинг янги юридик номи – Очiq акциядорлик-тижорат банки - «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» деб эълон қилинди.

Бугун Ўзсаноатқурилишбанк юртимиз келажагига дахлдор йирик инвеститсиявий лойиҳаларни молиялаштириш, нефт-газ, энергетика, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналарига молия-кредит хизматларини кўрсатиш, етакчи тармоқларни молиялаштириш, банкрот корхоналарни соғломлаштириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш каби барча соҳалар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келувчи мамлакатимиз молия бозорининг етакчи тижорат банки мавқеига эгадир. Ўзсаноатқурилишбанкнинг тарихи миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти ҳамда мамлакатда саноатнинг қайта тикланиши билан бевосита боғлиқдир. Саноатнинг таянч тармоқларини техник ва технологик қайта жихозлаш, модернизатсия қилиш бўйича инвеститсион лойиҳаларни амалга ошириш орқали республикаимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалишига имкон яратилмоқда. Шунингдек банк томонидан мамлакатимиз аҳолисига чакана хизматлар кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилиб, банк инфраструктураси мунтазам равишда кенгайтирилмоқда, хизмат кўрсатиш сифатлари оширилиб янги хизматлар тақдим қилинмоқда.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ўзининг мамлакатимиз бўйлаб жойлашган бўлинмалари орқали 1 миллионга яқин миқдорга салкам 50 турдаги анъанавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатаётгани унинг иқтисодий салоҳиятидан даракдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида банк томонидан тадбиркорларга берилаётган кредитлар ҳажми янада оширилди, улар ўртасида танловлар ўтказилиб, энг яхши лойиҳалар қиммат баҳо совғалар ва имтиёзли кредитлар билан тақдирланди.

Шунингдек Ўзсаноатқурилишбанк томонидан аҳолига сифатли янги турдаги банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш бўйича мунтазам ишлар олиб борилади. Бунда асосий эътибор ахборот технологиялари асосида ишлаб чиқилган инноватсион маҳсулотларга эътибор қаратилади. Буларга мисол тариқасида Ўзсаноатқурилишбанкнинг “Домашний банк”, “Шахсий кабинет”, “UzCard-online” пластик карточкаси, Интернет-банкнинг, Банк-мижоз, СМС-банкнинг, Инфокиоск орқали тўловлар, халқаро пул ўтказмалари, Виса пластик карточкалари, имтиёзли Visa gold карточкалари, шунингдек мижоз ҳошишига кўра ихтиёрий дизайнли – Visa picture сард каби замонавий банк хизматларини келтириш мумкин.

“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБнинг самарали фаолияти сирасига яна бир мисол тариқасида “Ахбор – рейтинг” агентлиги банкнинг кредит рейтингини 2013 йил якунларига кўра, миллий шкала бўйича энг юқори баҳо “uzAQ” даражасида «Ижобий» прогнози билан тасдиқлаганини келтиришимиз мумкин. Банкнинг барқарор ривожланиб бораётганлиги халқаро рейтинг компаниялари томонидан ҳам тасдиқланмоқда. Жаҳонда катта нуфузга эга “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ рейтингини “BQG`B” даражасида “Барқарор” рейтинг даражасини қайта тасдиқлади. Шу билан бирга, ҳисобот йилида “Standard&Poor`s” халқаро рейтинг агентлиги ҳам банкка берилган барча рейтингларни “Барқарор” истиқболи билан қайта белгилади.

Мамлакатимиз ҳудудларини ривожлантириш бўйича инвестицион дастурларни молиялаштириш, тадбиркорларни қўллаб қувватлаш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришда инноватсион ғояларни тадбиқ қилиш, истеъмол кредитлари ҳажмини янада ошириш –банкнинг асосий вазифалари бўлиб қолади.

Банк фаолиятининг асосий йўналишлари:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки

инвестициялаш учун фойдаланиш;

- туловларни амалга ошириш.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиясига мувофиққуйидаги банк операцияларни амалга оширади:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- омонатларни жалб этиш;

- кредитларнинг қайтарилиши, фойзлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;

- маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

- пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассация қилиш;

- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқиқини олиш (факторинг);

- қимматли қўғозлар чиқариш, харид қилиш сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қўғозларни бошқариш, қимматли қўғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

- банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

- молиявий лизинг.

Банкнинг жамгарма кассалари аҳолидан давлат бюджетга даромади ҳисобига, корхона ташкилот ва муассасалар фойдасига туловлар қабул қилишни амалга оширади, тузилган шартномалар асосида уларнинг топшириқларига кўра аҳолига нақд пул беради, шунингдек бошқа турдаги чакана банк хизмат турларини кўрсатади.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган «Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун» Бош лицензиясига мувофиқ чет эл валютасида қуйидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- очик валюта мавқеи (позицияси) лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли банклар ва ўз миқдори билан, валюта биржалари орқали шунингдек, халқаро бозорларда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;

- юридик ва жисмоний шахсларларга - чет эл валютасида ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

- миқдорларнинг экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳисоб- китобларини чет эл валютасида ҳужжатли аккредитив, инкассо, банк жўнатмаси шаклида, шунингдек халқаро банк амалиётида қўлланиладиган бошқа шаклларда амалга ошириш;

- чет эл валютасидаги маблағларни кредит, депозит, омонат ҳамда халқаро банк амалиётида қабул қилинган бошқа шаклларда жалб этиш ва жойлаштириш ҳамда Банкнинг чет эл валютасидаги маблағлари миқдоричегарасида кафолат бериш;

- валюта айирбошлаш шахобчалари орқали нақд чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

- банк ҳисобварақларини очган ҳолда ёки бундай ҳисобварақларни очмай туриб халқаро пул жўнатмаларини ўтказиш.

Чет эл валютасида операциялар амалга ошириш учун Банкка Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда бошқа чет эл банкларида вакиллик ва бошқа ҳисобварақларга эга бўлиш, улар билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш ҳукуки берилган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ва халқаро банк амалиётига мувофиқ Банк лицензиясида махсус кўрсатилган бошқа операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

Банк ўзфилиаллари ва бошқа тузилмавий бўлинмаларини чет эл валютасида операциялар амалга ошириш учун уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва тайёргарлик даражасига қараб мустақил белгилайди.

Қуйидагилар Банкнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнидаги энг муҳим вазифалари ҳисобланади:

- ўз капитали ва жалб этилган капитал билан энг аввало Республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларида, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этиш;


нефть-газ, кимё, электроэнергетика, электротехника ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини лойиҳавий молиялаштиришни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун жумладан халқаро капитал бозорларидан хорижий инвестиция ва кредитларни рағбатлантириш ҳамда синдикатлаштирилган кредитларни кенг қўллаш йули билан зарур кредит ресурсларини жалб этиш.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни амалга оширади.

Банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириқларига биноан -марказлаштирилган капитал қуйилмаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаш вазифаларини бажаради. Банк тегишли кафолатларга асосан Марказий банк томонидан ёки Молия вазирлигининг кредит линияси бўйича бериладиган ресурслар ҳисобидан давлат ва ижтимоий дастурларни, шу жумладан, имтиёзли асосда кредитлаши мумкин.¹²

2013 йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилингани муносабати билан Ёў оилларни қўлаб қувватлаш аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан бир қаторда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 3448 жисмоний шахсларга кредитлар ажратилди.




¹²Маълумот “Ўзбекистон саноат қурилиш банки” очик акциядорлик тижорат банкининг устави (янги таҳрирда) бўйича таёрланди.

2.1.1 –расм. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори 2014 йил 1 январ ҳолатига “Ўзсаноатқурилишбанк” кредит портфели 4 944,2 млрд. ни ташкил қилди. Кредитларнинг кўплаб қисми иқтисодиётимизнинг реал секторларига ажратилаган, шулардан саноатга – 3 940,6 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига – 46,5 млрд. сўм, транспорт ва коммуникацияга – 381,2 млрд. сўм, қурилишга – 292,5 млрд. сўм, савдога – 121,1 млрд. сўм, ва бундан ташқари бошқа соҳаларга – 136,5 млрд. сўмни ташкил қилган.

2.1.1. –жадвал

2009 -2013 йллар кредит портфел динамикаси (млрд. сўм)

Кўрсаткич	01.01.2010г.	01.01.2011г.	01.01.2012г.	01.01.2013г.	01.01.2014 г.
Кредит портфел	1 255,3	1 422,7	2 312,0	3 516,6	4 944,2



2.1.2. – расм. Кредит портфел динамикаси (млрд. сўм)

Кредит портфел динамикаси ҳамда жадвалдан кўриниб турибдики. Йилдан йилга кредит портфел ҳажми ошиб бормоқда. Туризм

соҳаси кескин ривожланиши натижасида айнан банк кредитларига эҳтиёж сезиларли равишда ўзгаради.

2.2. «Ўзсаноатқурилишбанк» кредит сиёсатининг туризм соҳасига ажратилган кредитларнинг тутган аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сонли, “2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш йўлида хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси вакиллариининг илгаригиданда эркин фаолият юритаётганини, уларни кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошаётганини кузатиш мумкин.

Хусусан, 2013-2016 йиллар давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига умумий қиймати 409,7 406 мл.н сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотлар натижасида маҳаллий аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини кузатиш мумкин. Қуйидаги жадвалда республикаимиз тижорат банклари томонидан мазкур соҳага режалаштирилаётган кредитларни кўриш мумкин:

2.2.1. - жадвал

**2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис
соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан
режалаштирилган кредитлар млн
сўм**

№	Тижорат банклари	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
1	“Халқ банк” ДТБ	17 026,0	431,2 20	517,4 24	420,9 29
2	“Микрокредит банк” ОАТБ	562,1 12	074,5 15	089,4 18	707,3 21
3	“Миллий банк” ТИФ	634,2 7	161,1 9	993,3 10	192,0 13
4	“Асака” ДАТБ	463,4 5	556,1 6	867,4 7	440,8 9
5	“Агробанк” ОАТБ	140,3 10	168,6 12	14 601,3	522,5 17
6	“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ	801,8 3	562,1 4	474,5 5	569,4 6
7	“Ипотека-банк” АТИБ	777,7 4	733,2 5	879,6 6	255,8 8
8	“Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ	630,8 7	157,0 9	988,4 10	186,1 13
9	Бошқа тижорат банклари	673,6 6	008,2 8	609,8 9	531,9 11

Манба: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2014 йил У.Д. Ортиқов, и.ф.н., доц., С.М. Холмуродов, ТМИ Муаллифлар томонидан тузилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солувчи ва бу соҳанинг муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланувчи давлат дастури ишлаб чиқилган. Айнан давлат дастурини амалга ошириш, имтиёзли кредитлар бериш ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш харажатларини қоплаш, суғурталаш ва банклардан кредит олишда кичик корхоналарга давлат кафолатлари беришга ўтиш каби омиллар кичик тадбиркорликка жалб қилинадиган молиявий ресурсларнинг кенгайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда янги ташкилтуризм ташкилотилари фаолятининг биринчи беш йиллигида уларнинг деярли ярмидан кўпи ўз

фаоляти давом эттира олмайди. Республикамизда туризм ташкилотилари янги ташкилқилинган соҳа эканлиги эътиборга оладиган бўлсак, уларни кредитлаш орқали банклар олдида туризм ташкилоти соҳаси билан боғлиқ кредит рисклари муаммоси келиб чиқиши мумкинлиги ва бу рискларнинг олдини олиш зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Туризм ташкилотилариникредитлаш орқали уни самарали фаолятини таъминлаш учун ушбу кредитларнинг қай тарзда жойлаштирилганлиги, ишлатилиши ва албатта ўз муддатида қайтарилиши аҳамиятлидир.

Ўтган 3-4 йил ичида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан туризм ташкилотиларини кредитлаш борасида бир қанча муаммолар вужудга келди. Бу муаммоларнинг энг асосийларидан бири эса, албатта туризм ташкилотиларига берилган кредитларнинг қайтарилиш муаммосидир.

2.2.2. - жадвал

ОАТ “Ўзсаноатқурилишбанк” банк кредит портфелида хизматлар соҳасига ва сервис учунажратилган кредитлар салмоғи динамикаси.


Сана	Кредит қўйилмалари	Салмоғи
01.01.2011й	41666	16%
01.07.2011й	50187	16%
01.01.2012й	59022	18%
01.07.2012й	73363	19%
01.01.2013й	82933	19%
01.07.2013й	109090	20%

Манба: Муаалиф томонидан тузилган

Қуйидаги жадвалдан биз ҳозирги кунда туризм ташкилотиларига ажратиладиган кредитлар салмоғи банк кредит портфелида сезиларли даражада ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин ва ўз навбатида, бу сихадаги муаммолар банкнинг кредит рискни ошириб юбориши мумкин.

Кредитлар билан боғлиқ рискларни бошқариш замонавий иқтисодиётда асосий ўринни эгаллайди. Ривожланаётган мамлакатларда банкларни қайтадан

ташқилиш дастурини ишлаб чиқиш катта харажатлар талаб килади. Банклар ўз активларини ёмонлашишини олдини олиш учун рискларни бошқариш жараёнини такомиллаштиришлари керак. Бундан ташқари, молиявий эркинлаштириш иқтисодий ислохотлар ўтказиладиган собиқ иттифок мамлакатларида давлат аҳамиятининг камайиб бориши банк ишида катта автономия ва маъсулятни такозо этади. Умуман олганда ҳозирги кунда туризм ташкилотларини кредитлашни бошқариш, ушбу соҳадаги билимларни ошириш ва унинг услуб ҳамда амалга ошириш жараёнлари борасидаги билимларини ўзлаштириш зарур.



2.2.1. – расм. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси (млн. сўм)

Ҳозирги кунда Республикамизда туризм соҳасида 750 дан ортиқ хусусий туристик фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг деярли барчаси кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. 2013 йил Банк томонидан кичик бизнес субъектларига микрокредитлар қуйдаги тарзда ажратилган: саноат ривожланиши учун - 11,1 млрд.сум (23%); қишлоқ хўжалиги - 5,6 млрд.сум (11%); қурилиш, хизматлар соҳасига ва сервис учун - 9,2 млрд.сум (19%); товар айланмаси учун - 20,0 млрд.сум (41%); ва бошқа соҳалар учун - 2,8

млрд.сум (6%). Ажратилган микрокредитлар орқали 2,7 минг бўш иш ўринлари яратилган.

Туризм ташкилотларига берилган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш ва бу борадаги муаммоларни хал қилиш ҳозирги кунда кўпчилик туризм ташкилотлари билан боғлиқ муаммоларни анча енгиллаштиришган бўлар эди. Бу борада қуйидаги таклифлар мавжуд:

1) Банкларнинг таъминотларни баҳолашдаги мустақиллигини ошириш ва ноомиявий институтлар томонидан берилаётган кафиликларни камайитириш ёки чеклаш.

2) Туризм ташкилотларини кредитлашда марказлашган ресурслар ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳиссасини ошириш, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари орқали берилаётган кредитларда банк маржаси фақат 2 - 3 фоизни ташкил қилгани учун ушбу маблағлардан олинган даромадларни солиқдан озод қилиш.

3) Банкларнинг кредитлаш жараёнидаги мустақилликларини ошириш кредитга лаёқатлилиқни аниқлашнинг обективгликлигини ошириш ва кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш мақсадида камида икки санага бўлган ҳисоботларни талаб қилишга руҳсат бериш.

4) Кредитга лаёқатлилиқни аниқлашда ахборотнинг бошқа манбалари яъни молиявий институтлардан олинган маълумотлар, миқознинг мол етказиб берувчилардан олинган маълумотларидан кенг тарзда фойдаланиш, республикадан кредит - ахборот бюроларини ташкил қилиш.

5) Кредитлар бўйича таъминотларнинг аҳолини ўрганиб туриш ва уларни баҳолаш учун банклардан мулкларни баҳолаш бўйича махсус мутахассисларга фаолятини жонлантириш ёки уларни жалб қилиш бўйича ишларни амалга ошириш каби чора - тадбирлар республикамиз банкларининг маблағлари кўпайиши, бунинг натижасида омонатчилар маблағларининг ҳимоя қилиниши борасида қўйилган муҳим қадам бўлар эди.

2.3. Банк томонидан туризм соҳаси ташкилотларига кредит берилиш тартиби

Тижорат банклари томонидан кредит бериш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Тижорат банклари қарз олувчиларга кредит беришни шартнома асосида амалга оширади.

Берилаётган кредитларнинг муддати кредитланаётган тадбирнинг қопланишига боғлиқ бўлади, жумладан:

- * туризм ташкилотларига айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитлар, одатда, 1 йилгача муддатга берилади;

- * туризм ташкилотларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаш учун бериладиган кредитлар, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз, 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Туризм ташкилотларига айланма маблағларини тўлдириш мақсадида берилган кредитларни қайтарилиш муддати, уларни қайтарилишини узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, форс-мажор ҳолатларини истисно қилганда, 12 ойдан ошмаслиги керак.

Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар имтиёзли давр белгилашлари мумкин.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади. Кредитларни бериш миқдорнинг талаб қилиб олинганча депозит ҳисобрақами жойлашган манзил бўйича амалга оширилади.

Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик субъектларига кредит берилмайди, берилган кредитлар ўрнатилган тартибда, муддатидан олдин ундириб олинади. Бу ҳолда кредит шартномасида албатта қайд этилган бўлиши керак.

Кредитни расмийлаштириш тартиби.

Кредитни олиш учун қарз олувчилар банкга қуйидаги ҳужжатлар (кредит пакети)ни тақдим этадилар:

- * кредит буюртмаси;
- * қарз олувчининг банк ҳисобварагидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес - режаси;
- охириги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматининг маҳалий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1 -шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштирма далолатномалари, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2- шакл) - деҳқон хўжаликлари бундан истисно қилинади;
- қуйида кўрсатилган таъминот шаклларида бири.

Кредит таъминоти

Олинган кредитни қайтармаслик хатарини олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкга қуйидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга :

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови ;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги ;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтараолмаслик хатарини суғурта қилинган тўғрисидаги суғурта полиси;

Банклар, ўзлари билан доимий алоқага эга бўлган, банк ҳисобрақамида мунтазам пул оқими мавжуд, яхши обрў ва кредит тарихига эга қарз олувчиларга, юқорида кўрсатилган таъминотни талаб қилмай, бланкали (ишончли) кредит бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Кредитларни қайтарилиш таъминоти шаклларида бири сифатида мол—мулк гарови хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»

қонунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкӣ ҳуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорида, мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кредит пакетини таҳлил қилиш чоғида, банк кредит келишувининг ҳар хил ҳолатларини, қарз олувчининг кредит тарихини, унинг раҳбарининг обрўсини (олдинги иш жойлари, лаёхатлилиги, илгари олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилганлиги ва хоказо) кўриб чиқади.

Айланма маблағларни тўлдиришга кредит олиш учун юқорида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолдаги буюртма банкга келиб тушган кундан бошлаб ушбу кредит бўйича банк ҳулосасини беришгача бўлган муддат тижорат банклари бўлимлари ва таркибида бўлимлари бўлмаган тижорат банклари, шунингдек хусусий банклар учун - 10 иш кунидан, банкларнинг вилоят бўлимлари учун - 15 иш кунидан ва бош (республика) банклар учун - 20 иш кунидан ошмаслиги керак.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит сўраб берилган кредит буюртмаларини банклар томонидан кўриб чиқиш муддати, мос равишда, кўпи билан 2 баравар оширилиши мумкин.

Кредит шартномаси тузилгандан сўнг банк бўлими раҳбари ёки кредит бўлими (ходими) бошлиғи, ўз ваколати доирасида, муддати ва фоиз ставкасини кўрсатган ҳолда, ссуда ҳисобрақамини очиш тўғрисида бухгалтерияга кўрсатма беради.

Кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қарз олувчига кредит варақчаси очилади ва унинг ёрдамида кредит устидан назорат амалга оширилади.

Кредитлаш ва кредитни қайтариш тартиби

Кредитлар алохида ссуда хисобрақамини очиш ва ушбу хисобрақамдан қарз олувчининг тўлов топшириқномалари асосида моддий-товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиш йўли билан берилади.

Алохида ссуда хисобрақамлари бўйича берилган кредитлар кредит бўлими ходимининг кўрсатмаси асосида муддатли мажбуриятномалар шаклида расмийлаштирилади ва улар кредитлаш муддатларига қараб, кредитлар тўла қайтарилганига қадар 91901- «қарз олувчиларнинг қисқа муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» ва 91903 - «қарз олувчиларнинг ўрта муддатли ссудалар бўйича мажбуриятлари» номли кўзда тутилмаган шароитлар хисобрақамларида хисобга олинади.

қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қопланишини кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин.

қайтариш муддати этиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар хисобрақами орқали ундириб олишга тақдим этилади, у бўйича муддатли мажбуриятномалар эса 2-картотекага жойлаштирилади ва календар навбати тартибида қайтарилади. Бунда фоизлар кредит қарзларидан олдин қайтарилади.

Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойихаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилган бўлиши лозим .

Мониторинг жараёнида қарздорнинг хўжалик-молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга (буюртмаларга) мувофиқ маҳсулот этказиб бериш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш хажмлари, ноишлабчиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари ахволи, айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга лаёхатлиги бўйича доимий мониторингни амалга

оширади ва унинг кўрсаткичларини қарздорнинг кредит йигмажилдида тизимлаб боради.

Банкга тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланилиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ жойида урганилади.

қурилишни молиялаштириш учун берилган кредитлар бўйича, банк мониторинг жараёнида кредитланган объектда кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида бажарилган ишлар ҳажмини назорат улчовини амалга оширади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк Фуқаролик кодексининг 280- моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда, судга мурожаат қилмасдан, гаров предмети тассаруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Туризм ташкилотларини микрокредитлаш тартиби.

Тижорат банклари томонидан микрокредитларни бериш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Микрокредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларига берилади.

Тижорат банклари микрокредитларни қарз олувчиларга шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга берадилар. Кредитлар миқдорнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақаи жойлашган манзил бўйича берилади.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кичик(мини) ускуналарни харид қилиш;

- хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;
- хом-ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат қуроллари, хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харидқилиш;
- халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, уй меҳнати (касана-чилик)ни ташкилқилиш;
- сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлашни ривожлантириш;
- сайёҳлих(туризм) соҳасини ривожлантириш;
- кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

3-БОБ. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларини такомиллаштириш йўллари

3.1. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Республикада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкилқилиш, бандлик муаммосини хал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳимўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилнинг юртимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, туризм ташкилотларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотларига кўра, 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу тармоққа ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 маротаба ошган ва 2,7 трлн. сумни ташкил этган. Бундан 485 млрд. сўмни микрокредитлар ташкил этади¹³. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қаторида туризм ва уни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиши тўғрисида дастурий режалар тузилган. Бозор иқтисодиёти шароитида кучли рақобат юзага келаётгани туристик фаолиятда илғор технологияларни қўллашни тақозоэтмоқда. Мамлакатимиз туризмини ривожлантириш орқали туристик фаолиятни яхшилаш ва ички бозорда рақобатни кучайтириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қуйиш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 1-сентябрда ўзининг Мустақилигини қўга киритиши натижасида мамлакатда иқтисодий ислохотлар жадаллик билан ўтказила бошланди. Шу сингари миллий туризм ҳам шу

¹³ И. Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тарақиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сузи”, 2011 йил 22 январь

йиллардан шакллана бошлади. Миллий туризмнинг шаклланиши ва ривожланишига "Ўзбектуризм" МК бош қош бўла бошлади. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда «Ўзбектуризм» МК давлат бошқаруви, ташқи иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи ташкилот бўлиб ҳисобланади.

Миллий туризм ривожланиши демак шу йиллардан бошланди десак хато бўлмайди. Миллий туризмни ривожлантириш мақсадида ислохотлар босқичма босқич амалага оширила бошланди.

Миллий туризм тизимида иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи 1992 йилда бошланган дейиш мумкин. Республикада бошланган ушбу ислохот янги иқтисодиётга асосланиб олиб борилди.

Туризм тармоғини иқтисодий ислох қилишнинг иккинчи босқичи 1993-1995 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда турмуш ривожланишнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Бу босқич туристик хизмат кўрсатишнинг иқтисодий ўсиши билан бир қаторда бир қанча муаммоларни туғдирди. Бу муаммолар янги туристик маршрутларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг яхшилаш, туризмнинг моддий-техник базасни кенгайтириш, бошқарувнинг ташкилий такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, уларни фақат «Ўзбектуризм» МК доирасида ечиш мумкин эмас.

Туристик объектлар давлат тармоғидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Номерли фондда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

1993 йил охирига келиб республика туризм тизимида ҳуқуқий ва Мустақил балансга эга бўлган 123 ташкилот бор эди.

1998 йилнинг майдан бошлаб туризм иқтисодиётнинг ислох қилишнинг бешинчи босқичи бошланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатда миллий халқаро туризмнинг мавқени, унинг иқтисодий асосларни катъий белгилаш учун сиёсий асос яратди. Бу ҳужжат билан туристик ташкилотларга қўшимча божхона имтиёзларни яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг дипломатик вакилларида чет элда туризм

бўйичамаслаҳатчи лавозимиға киритишди. 1999 йилнинг августида Парламент «туризм тўғрисида»ги қонунни қабул қилди ва иқтисодиётнинг бу тармоғнинг амал қилиш учун ҳуқуқий асос яратилди. Шундай қилиб, МК олдида асосий вазифа-Ўзбекистоннинг туристик компаниясни келажакда ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг халқаро туристик тизимға юқори ривожланган индустрия сифатида қуйиши турибди. Бунинг учун, албатта, иқтисодиётнинг бу тармоғидаги ислохотлар стратегияси ва тактикасни доимо такомиллаштириб бориш зарур.

Республикада Америкалик, Туркиялик, Покистонлик, Германиялик, Хиндистонлик, Италиялик ва бошқа малакатлардан келган тадбиркорлар тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар тобора кўпроқташқилқилинмоқда. Хорижий инвестициялашни имтиёзли йуналишлари қаториға туризмнинг замонавий инфраструктурасни, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари, тадбиркорлик инфраструктураснинг ташқилқилишлар ҳам қиради. Буларсиз ҳақиқий бозор муносабатлариға ўтиш ва халқаро инвестиция фаолиятни кенг ривожлантириш амалда мумкин эмас. Чет эллик инвесторнинг максимал даромад олишиға интилиши ҳамда бу лойиҳани келгусида амалға ошириш учун қулай шарт - шароитлар, хорижий капитал иштирок этган ҳар қандай инвестиция жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи қучидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий туристик модельни шақиллантириш жараёни амалға оширилмоқда. Республикада бозор иқтисодиёти шаклланаётган шароитда туризм узнинг миллий даромадни қайта таъқсимлаш хусусияти асосида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омили бўлибқолмоқда. Бозор иқтисодиётида туристларға асосан хусусий ва тижорат компаниялари хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, агар давлат мақул иқтисодий ва ҳуқуқий атмосфера яратса туризм барқарор ривожланади. Бошқа томондан агар давлат касбий тайёрлаш, таббий ва маданий муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот-реклама ишлари расиятчиликнинг енгиллаштириш муаммолари билан шуғулланмаса

фақатбозор стихияси ҳукумронлик остида туризм ривожланишнинг керакли даражасига ета олмайди. Бунда давлат томонидан мос методологияси методик ва амалий ёндашувларнинг ишлаб чиқариш туристик хизматлар бозорнинг ташкил этилишига аҳамият бериш керак.

Ўзбекистон туризмида хизмат кўрсатишни ривожлантиришда ҳар бир ҳудуд узининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туристларга хизмат турларини таклиф этади. Бунда бошқарув ҳам етакчи рол уйнайди, чунки тўғрибошқарув ривожланишнинг гарови ҳисобланади. Республикамизда туристик ҳудудларни ажратишда нафақат туристик соҳанинг замонавий ҳолати, балки мавжуд административ-ҳудудий бўлим микёсида уни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиш зарур. Бундай бўлиниш миллий туризмни ривожлантиришда ва туристик ресурслардан радационал фойдаланишни таказо этади. Туризм зоналарини бўлиниши уларга эркин иқтисодий зоналар макони берилганда ва мавжуд потенциал ресурслардан самарали фойдаланишда жуда катта аҳамиятга эга.

Туризм объекти уч компонентни уз ичига олади: туризм ҳудуди, туризм ташкилоти ва туризм корхонаси.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларни тўлдириш имкониятини ошириш, монетизация коэффицентининг даражасини оширишга хизмат қилади.

Кредитларнинг банк активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини 60 фоиздан кам бўлмаган даражаси таъминланган шароитдагина тижорат банки жами фоизли даромадларининг асосий қисмини кредитлардан олинган фоизлар ҳисобидан таъминлаш имкони юзага келади. Бу эса, тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунга эришиш учун тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган активлари – мажбурий захира ажратмалари суммаси, “Ностро” вакиллик ҳисобварақларининг қолдиғи, асосий воситалар миқдорини камайтириш тақозо этилади.

Шу билан бир бирга, республикамизнинг қатор тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш талабига риоя этилмаётганлиги муаммоси мавжуддир. Кредитларнинг асосий қисмини ўзаро боғлиқ тармоқларга мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўйилган. Ўзсаноатқурилишбанкида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Банк кредит қўйилмаларининг 60 фоизга яқин қисми саноат корхоналарида тўпланган. Бу эса, кредит rischi муаммосининг чуқурлашишига олиб келади. Бунинг боиси шундаки, банк кредитларининг асосий қисми жойлаштирилган тармоқда фойда нормасининг пасайиши муддати ўтган кредитлар ҳажмининг кескин ўсишига олиб келади.

Тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудлар бўйича ва муддати бўйича чегараланмаган.

Халқаро банк амалиётида эса, банк кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши кредит riskини кескин оширган омил сифатида эътироф этилади. Шу сабабли, республикамиз банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоққа мансуб бўлган корхоналарда тўпланишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир.

Кредитлаш амалиётига тижорат банклари ходимларининг кредит олувчи хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибасининг етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Бу шубҳасиз, муаммоли кредитларни ва кредит маблағларини ўз вақтида унмаслик ҳолатини вужудга келтирувчи бош омиллардан биридир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда, биз таклиф этаётган молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилиги хусусидаги тўғри ва тўлиқ хулосаларни шакллантириш мумкин бўлади.

Маълумки, туризмда сайёҳларга хизмат курсатиш учун махсус туристик ташкилотлар шуғулланади, туристларни кутиб олиш, жойлаштириш ҳамда

уларни дам олишларини таъминлаш одатда сайёхлик фирмалари (туроператорлар ва турагентлар) зиммасида бўлади. Шундай экан туристларни меҳмонхоналар, мотеллар, дам олиш уйларига жойлаштириш уларга арзон ва сифатли хизмат курсатиш туризмдаги хизматлар ичида алоҳида аҳамият касб этади.

Юкоридаги туристларга хизмат курсатувчи ташкилотлардан ташкари темир йул ва хаво йуллари, автобус парклари, ресторан ва кафелар, музей ва атракционлар, театр, кино, суғурта компаниялари ва бошқалар туризм инфраструктураси таркибига киради.

Самарканд вилояти туризмда яратилган шарт-шароитлар даражаси буйича республика вилоятлари орасида етакчи уринда туради.

Вилоятда мавжуд туристик фирмалар, меҳмонхоналар сони ва хизматининг сифати буйича ҳам ажралиб туради.

Вилоятда туризмнинг турли йуналишларини масалан, диний, тарихий, археологик, этнографик, экотуризм ва ҳк.ларни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд бўлиб, бу имкониятлардан тулаконли фойдаланиш учун албатта инфраструктурасини ҳолати талабга жавоб берадиган бўлиши зарур.

Шуни таъкидлаш жоизки, вилоятда инфраструктуранинг мукамал кўриниши фақат Самарканд шаҳрида кўришимиз мумкин, қолган қишлоқ туманларида туризм инфраструктураси жуда паст даражада, айрим туманларда умуман йук, ваҳоланки, туманларнинг туристик имконияти жуда юкори. Лекин бу имкониятлардан фойдаланилмаяпти.

Самарканд вилоятида туризмнинг ривожланиш ҳолатининг SWOT- таҳлили

Кучли (устун) томонлари

- табиий иклим ва экологик, тарихий- диний ҳамда рекреационресурсларсалоҳиятининг юкрилиги

- фан, кургазмалари, фестиваллар, концерт, форумлар ва семинарлар утказиш учун инфраструктуравий тармоқларнинг мавжудлиги;
- дунёга машхур инсонларнинг номи билан боғлиқ объектларнинг (кадамжоларнинг) мавжудлиги;
- туризмни ривожлантириш учун хизмат, бизнес ва ижтимоий ташкилотларнинг барқарор ривожланаётганлиги;
- халқаро оммавий қўнғилочар ва бошқа маданий тадбирларнинг даврий ташкил этилиши (шарқ тароналари);
- вилоятнинг географик нуқтаи назардан Буюк ипак йўли ва республиканинг марказий транспорт тугунида жойлашганлиги;
- ахборот алоқа узатиш ва телекоммуникацион замонавий тизимлар билан таъминланганлиги;
- туризм тармоғида фаолият олиб боровчи субъектлар рақобатнинг барқарорлиги.

Камчиликлари

- туристик инфраструктураларнинг тарқоқлиги ҳамда улар билан тижорат-хўжалик алоқаларининг мутаносиб эмаслиги;
- янги турдаги турмаҳсулотларни яратиш, уларни силжитиш бўйича маркетинг тизимларининг заифлиги;
- халқаро туризмни ривожлантириш бўйича коммуникацион тизимларнинг заифлиги;
- туризм индустриясида малакали кадрларнинг етишмаслиги;

- туристик фирмалар билан ўқув марказлари ўртасида интеграциянинг заифлиги; нарх ва туристик хизмат сифати ўртасидаги номутаносиблик;
- туризм ҳамда туристик хизматлар тўғрисида аҳоли ўртасида, уларнинг билим савиясини ошириш бўйича, ишларнинг ривожланмаганлиги;
- ўзининг туристик инфраструктураси ва инвестицион салоҳиятига эга бўлган ички туризм билан шуғулланувчи туроператорларининг етишмаслиги;

Тахдидлар

- республика вилоятларида туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўртасида рақобатчиликнинг кескинлашуви;
- аҳолининг тўловга қодир талабининг даромад камайиши ҳисобига тушиб кетиши;
- қўшни республикаларда салбий сиёсий вазиятларнинг вужудга келиши;

Имкониятлари

- инфраструктурани ривожлантириш учун инвестициялар киритишга бўлган қулайлик;
- туристик хизматларга бўлган талабнинг шаклланишини қувватловчи ижтимоий-иқтисодий шартшароитларнинг мавжудлиги;
- туристик хизматлар бозорининг мавжуд турресурслардан самарали фойдаланиш эвазига ўсиш имкониятининг мавжудлиги;
- вилоятдаги ички ва ташқи туризмнинг кенгайиши учун турресурсларнинг жозибадорлиги;
- шаҳарсозлик ва ободонлаштириш ишларининг барқарор ўсиб бориши.

Бозор муносабатларига утиш даврида мамлакатимиз миллий иқтисодиётида туризмни ролини ошириш, ундан келадиган даромадни ва шу соҳада банд аҳолини қупайтириш, «Туризм асри» деб аталмиш XXI асрда давлатимиз ҳукуматининг олдига қуйган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Вилоятда туризмни ҳудудлар бўйича ривожлантириш, туризм бошқарувини яхши йўлга қўйиш зарур. Имкон қадар шу соҳада ишловчи кишилар сонини қўпайтириш аниқроғи малакали мутахассислар (турагент, туроператор ва гидтаржимон) тайёрлаш, уларга чет эл тажрибасини ўргатиш ва сифатли хизмат курсатиш хусусияда илмий семинарлар ташкил қилинса мақсадларга мувофиқ булар эди.

Минтақада туризмни ривожланишида маҳаллий тадбиркорларга ҳам кенгрок йул очиб бериш зарурлиги илмий ишнинг асосий қисмида тўлалигича айтиб ўтилди.

Агарда ҳукумат томонидан уларга имтиёзлар яратилса, тадбиркорлар келажакда катта даромад келтирувчи кўнгил очар мажмуалар, меҳмонхоналар, туристларга транспорт хизмат кўрсатувчи корхоналар очиши мумкин.

Самарканд вилоятига келаётган чет эллик саёхлар сонини қупайтиришнинг яна бир йули, виза ва божхоналардаги турли ҳужжатбозлик каби муаммоларни ҳал этиш зарур. Урганилган ишдан яна шуни ҳулоса қилиб айтиш керакки, шаҳарга келаётган туристлар учун яратилган хизматлар ва меҳмонхоналарга қўйилган нархлар бир мунча юқори. Бунга албатта меҳмонхоналарга давлат томонидан қўйилган солиқ ва мажбуриятлар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Самарканд вилоятида факатгина тарихий-меъморий ва диний туризм яхши ривожланган. Шу боис шаҳар атрофида туризмнинг бошқа кўринишларини ҳам ривожлантириш ва туристик инфраструктурани йўлга қўйиш орқали туристлар вақтини чоғўтказишни таъминлаш лозим.

Саёхатчиларни кундалик экскурсиядан кейинги вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўпроқ тадбирлар уюштириш зарур. Самаркандга келаётган туристларнинг аксарият қисми Европа мамлакатларидандир. Шу боис уларнинг куй-қўшиқлари янграб турувчи дискотекалар ва тунги клубларни тартибли равишда ташкил қилиш ҳам хизмат курсатишнинг бир кўриниши ҳисобланади. Бир нарсани аниқ айтиш мумкинки, туристлар ичида асосан нафақа ёшидаги кишилар 90-95% ни ташкил қилади. Шунинг учун уларга миллий ўзбек фольклорларини намойиш қилиш, ҳамда маҳаллий аҳоли билан келишилган ҳолда туристлар ҳавфсизлигини таъминлаб туйлар, урф-одатларни намойиш қилувчи тадбирларга олиб бориш меҳмонларда катта таассурот қолдиради.

Юқоридаги имкониятлардан тўла фойдаланиш учун Самаркандда туристик ҳудудий бошқарув тизимини янада такомиллаштириш зарур. Бизнинг фикримизча, туризм соҳасидаги ҳудудий бошқарув тузилмаларини такомиллаштиришнинг қуйидаги йуллари мавжуд.

А) Самарканд шаҳар ҳокимлаги қошидаги “Самарканд туристик макони” Давлат унитар корхонасининг макомини аниқлаштириш лозим, чунки барча туристик ташкилотлар хусусий бўлганлиги сабабли улар билан муносабат қуришди унитар корхонасида муаммолар вуждуга келмаслиги лозим. Унитар корхонага Самарканднинг истикболли ривожланишида туристик комплекснинг урнини белгилаш, туристик ресурслар жозибадорлигини ошириш каби йуналишлар юклатилиши мақсадга мувофиқ.

Б) Самарқанд вилоятида туристик ташкилотлар ташкил этилиши учун банклар томонидан туристик ташкилотларга имтиёзли кредитлар ажратилиши лозим.

В) Нодавлат нотижорат ташкилотларининг туристик бизнесни бошқариш тизимидаги урнини ошириш. Ҳозирги вақтда Республика бўйича фаолият юритаётган хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси каторига Самарканд

мехмонхоналари уюшмаси, туристик операторлари ассоцияси каби ташкилотлар билан бойитиш лозим

Туризмда ҳудудий бошқарув тузилмасига киритилган ташилотларнинг фаолиятини доимий равишда мониторингини юритишда “Ўзбектуризм” МК Самарканд булими услубий таъминотидан кенг фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

3.2. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитларини такомиллаштириш йўллари

Жамият иқтисодий ҳаётида, яъни такрор ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи ҳар бир ҳўжалик субъектлари учун энг зарурий шартлардан бири бу муайян миқдорда молиявий маблағларга эга бўлиши талаб этилади. Бинобарин, бу шарт туризм ташкилотларига ҳам таалукли бўлиб, уларни фаолиятини мавжудлиги ва давомийлигини таъминланиши бевосита молиялаштириш механизмига боғлиқ бўлади. Бошқа иқтисодий субъектлар сингари, туризм ташкилотларига иқтисодий фаолиятининг дастлабки вақтларида уларни эгалари томонидан жамғарилган устав фонд маблағлари, таъсисчилар қўшган пул бадаллари ҳамда жисмоний шахсларнинг пул жамғармалар асосий молиявий ресурс вазифасини ўтайди. Бу маблағлар бўлмаган ҳолда банк кредитларидаи фойдаланиш мумкин. туризм ташкилотларини молиялаштириш қуйидаги: ўз-ўзин молиялаштириш, банк кредитлари, давлат корхоналари эса бюджет дотацияси, бюджетдан ташқари жамғармалар, чет эл сармояларини жалб этиш ва шу каби манбалар орқали амалга оширилади.

Таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, аксарият ташкил этилаётган туризм ташкилотлари дастлабки сармоя сифатида ўз маблағлари (устав фонди пул маблағлари қисми) кам иштирок этади. Бу бир томондан Республикамиз ҳукумати томонидан туризм ташкилотларига кредит бериш механизмини ривожлантириш туфайли кредит ресурсларининг дастлабки сармоя сифатида

жалб этилиш бўлса, бошка томондан айрим тадбиркорларда тадбиркорлик қобилияти мавжуд бўлган холда дастлабки жамғармани йўқлигини билдиради.

Бугунги кунда тижорат банкларининг олдида қўйилган энг асосий вазифа Республиками тараққиётини белгиловчи секторлардан бири - туризм ташкилотларини етарлича молиявий ресурслар ва хизматлар билан таъминлашдир.

Республикамиз Президенти тижорат банклари олдида туризм ташкилотларини имтиёзли фойиз ставкаси ва имтиёзли муддатларда кредитлашни вазифа қилиб қўйдилар. Туризм ташкилотларининг тараққий этиши республикамиз иқтисодиётини ривожланиши билан боғлиқ.

Туризм ташкилотлари корхоналари банкдан олган кредитдан фойдаланиб, фаол ривожланмокда, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтирмокда, маҳаллий туризм бозорини зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдирмокда, соғлом рақобат кучаймокда, энг асосийси долзарб муаммолардан бири аҳолини иш билан бандлик даражасини оширилиши таъминламокда ва фойда олмокда. Республикамизда туризм ташкилотларини микрокредитлаш жараёнига халқаро молия ташкилотлари, хорижий ҳукуматга қарашли ва ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар (донор ташкилотлар) нинг беғараз маблағларини жалб этиш бўйича ҳам самарали ишлар олиб борилмокда.

Республикамизда туризм ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан жуда кўп қонун, қарор ва меъёрий-ҳужжатлар қабул қилинган. Буларга асосан, туризм ташкилотлари имтиёзларга эга бўлган, лекин шунга қарамай бугунги кунда туризм ташкилотлари фаолиятида бир қатор муаммолар юзага келмокда. Таҳлил қилиш жараёнида Ўзбекистонда туризм ташкилотларининг қуйидаги асосий муаммолари аниқланди: бозор конъюктураси, янги технологиялар тўғрисидаги ахборотнинг тақчиллиги; бизнес-режаларни ишлаб чиқиш тажрибаси йўқлиги, тадбиркорлик маданиятининг этишмаслиги туфайли кредит, молия ресурсларини олиш борасида қийинчиликлар мавжудлиги; туризм ташкилотларида ўзлаштирилган

экспорт маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш учун профессионал маркетинг тузилмаларининг этишмаслиги; туризм ташкилотларида ишлаб чиқарилган тур маҳсулотларни сотиш учун туристларнинг талабини билмаслик; ҳар хил фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, туризм соҳасида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жихатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларни этишмаслиги; микрокредитлар учун ресурслар топиш муаммоси.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, аҳолининг иш билан банд қилишни кенгайтириш имконияти кўп туризм ташкилотларини ривожлантиришга боғлиқ.

Туризм ташкилотларида янги иш ўринларини ташкил этилиши иш билан банд этиш муаммосини ҳал қилиш билан бир қаторда бюджетни ишсизлик нафақаси учун сарфланадиган харажатлардан биров энгиллаштиришга, туристларни янада кўпроқ жалб қилиш билан эришилади, иш билан банд бўлмаган аҳолининг бир қисми даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашади.

Таҳлил қилиш жараёнида шулар малум бўлдики, банклардан маблағ олувчи тадбиркорларнинг айримлари бизнес-режаларни пухта тузмаганликлари, хориж бозорларида муайян товарлар конъюктураси ва фаолиятининг хусусий шартлари тўғрисида этарли маълумотга эга эмас. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятини янгидан бошлаганлар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш, уларга банк, молия, солиқ соҳалари бўйича тушунчалар, чет эл тажрибаларидан фойдаланиш хусусида маълумотлар бериб борилса яхши бўлар эди.

3.3. Маъмуриятнинг хавфсиз ва соғлом иш шароити ташкил қилиш мажбуриятлари.

Банкларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари кодексига ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни саноат корхоналарида, ташкилотларида ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга

оширувчи, ишлаб чиқариш жараёнларни ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб борувчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириши ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбуриятини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қуйидагича тақлид қилинади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишни корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва жамоат битимида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Меҳнат Кодексида кўзда тутилган мажбуриятлар қуйидагилар:

Ҳар бир ишчи, хизматчи учуниш мутахассислиги ва малакасига қараб маълум машина, станок ва бошқалардан иборат иш жойи ташкил қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли иш қуроллари билан таъминлаш, саноат ва меҳнат интизомини, ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, иш шартини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, раҳбар ходимларга хизмат вазифалари ҳам юкланади. Бу вазифалар бошқариши лозим бўлган лавозими тақозо қиладиган тавсияномада белгиланган бўлади.

Банкларда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш 13-моддада келтирилган.

Банкдаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Банкда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этишва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Банкда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари эса 14-моддада келтирилган:

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (Республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза

қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақидаги корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари бузилиб, бахтсиз ҳодиса рўй беради. Бахтсиз ҳодисанинг оғир, енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган.

Интизом жавобгарлиги. Ҳар бир банк ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган.

Талабларни бажармаслик бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилишига, кассалик, бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва бошқа ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Бу жавобгарлик ишчилар учун—огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, жиддий хайфсан эълон қилиш, уч ой муддат билан ойлиги кам бўлган ишга

ўтказиш ёки шу муддатга паст разряд ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби тартибда амалга оширилади.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Ишчилар корхона раҳбарлари, цех ва бўлим бошлиқлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин. Раҳбар ходимлар эса юқори раҳбарлик ходимлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиена-санитарияси талаб-қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар).
2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва сусодара қилиш усули қўлланилади.
3. Тартиб бузувчининг шахсига таалукли бўлган жавобгарлик (ахлоқ тузатиш ишлари, маъмурий – қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ишчи ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум миқдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш буйсуниш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва туман депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

Жиноий жавобгарлик. Меҳнатни муҳофаза – қилиш қоидаларининг қўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиш содир бўлса ёки бахтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузишда айбланган раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий

жавобгарлик раҳбар ходимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Моддий жавобгарлик. Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларининг ишчи ва хизматчи томонидан бузилиши натижасида саноат корхонаси моддий зарар кўрса, шу зарарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини айбдор шахс томонидан тўланиши моддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланганва тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

Чегараланган моддий жавобгарликда саноат корхонасига етказилган зарар маъмурият буйруғига асосан ишчи ва хизматчининг ойлигидан ундириб олинади. Бунда айбдор шахснинг розилиги билан ойлигидан (учдан бирдан ошмаслиги шарти билан) ушлаб қолинади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик жиноят содир бўлган тақдирда ва айбдор жиноий иш қилган бўлса, уни жавобгарликка тортиш билан бир қаторда саноат корхонасига келтирилган моддий зарарни ҳам тўлиқ қоплашга мажбур қилинади. Бундай жавобгарлик қарорларини туман ёки шаҳар суди органлари чиқаради. Бу ҳолда корхона маъмурияти томонидан айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва саноат корхоналарида касб касалликлари ва жароҳатланишга олиб келадиган омилларни бутунлай йўқотиш саноат корхоналари раҳбарлари олдига қўйилган асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг ўсиши янгидан-янги технология ва машина – механизмларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимнинг юқори малакали, техника қонунларини тушунадиган ва унга амал қиладиган бўлишларини талаб қилади.

Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида қанчадан-қанча тавсияномалар, қоида ва нормалар ишлаб чиқилган бўлишига

қарамасдан саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминловчи шароит мавжуд эмас.

Бундан ташқари, саноат корхоналарининг хилма-хиллиги, ҳаттоки маълум бир корхонада ҳам иш шароити бир-бирига ўхшаш иккита цехни топиш амри маҳол эканлиги, умумий саноат корхоналари хавфсизлигини таъминловчи, тартибга солинган рецепт ишлаб чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир саноат корхонаси ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктажлар системаси ташкил қилинган ва бу системалар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усулларини ўргатиш ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чоратадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Инструктажларни асосан тўрт гуруҳга бўлиб қараш мумкин: 1) кириш инструктажи; 2) иш жойидаги инструктаж; 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж ва 4) режадан ташқари инструктаж (ГОСТ 12.004-74 (МХСС)).

Банклар иш категорияси ва хавфли даражаси қандай бўлишига қарамай барча ишчи ва хизматчилар иш даври, мутахассислиги ва малакасидан қатъий назар инструктаждан ўтишлари шарт.

Кириш инструктажи. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади – ишгакираётганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат корхонаси майдонлари ва цехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш инструктажи яхши жиҳозланган ва кўргазмали куроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Кириш инструктажи вақтида ишга кираётган ишчи қўйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, саноат корхонасида йўлга қўйилган ички тартиб қоидалари, саноат корхонаси майдонида ва цехларида ўзини тутиш қоидалари, саноат корхонасидаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва

механизмларни саромжон ва озода сақлаш қоидалари, махсус иш шароити ташкил қилинган айрим цех ва бўлимлар билан таништириш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш бунда асосий диққат эътиборни ҳар хил эритувчилар, кислоталар, енгил алангаланувчи суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи хавфи мавжуд бўлган цехларга қаратиш керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоида, норма ва инструкцияларининг бузилиши натижасида вужудга келган бахтсиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши керак. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш ҳақида тушунча берилади, алкоғолли ичимликлар бахтсиз ҳодисага олиб келиши ҳақида айтиб ўтилиши шарт. Кийим бош, махсус оёқ кийими ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гигиена шароитларига эътибор бериш, санитар маиший хоналардан фойдаланиш тартиби, бахтсиз ҳодиса рўй берганда, бахтсиз ҳодисага учраган кишига врач келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Иш жойидаги инструктаж. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган, агар бу ўтказишлар вақтинча бўлишидан қатъий назар иш жойидаги инструктаждан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги инструктажда қўйидагилар тушунтирилиши керак: ишчининг доимий ишлаш жойи, цехдаги технологик жараён ва хавфли участкалар, ишчининг доимий ишлаши зарур бўлган машинанинг ёки станокнинг тузилиши, машинанинг хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш қоидалари. Ишга тайёрланиш қоидалари, станокнинг созланганлигини текшириш, юргизиш ўчириш асбобларининг ишлаши, станокнинг ерга уланганлиги, ёрдамчи ва асосий қуролларнинг мавжудлиги. Шахсий муҳофаза асҳаларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидалари, иш кийимлари, махсус кийимлар, оёқ кийимлари ва бош кийимларга қўйиладиган талаблар.

Иш жойини ташкил қилиш бунда материал ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш, иш жойларини ифлос ва кераксиз нарсалар билан тўлиб кетишига йўл қўймаслик, йўллар, ўтиш жойлари ва иш жойларини тўсиб қўймаслик.

Транспорт воситалари, кўтариш кранлари ва механизмлари ишлатиш қоидалари ва бошқа ёрдамчи воситалардан фойдаланиш тартиблари.

Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиш мумкин бўлган иш усулларини қўллашни тақиқлаш ва касб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган саноат зарарли моддалари ҳақида тушунча беришва улардан сақланиш усулларини кўрсатиш.

Инструктаж ўтказаятганда аввало одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин саноат корхоналарида баъзи бир ҳаддан ташқари ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши мумкин. Масалан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ишчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Иш жойидаги инструктажни мастер ёки бригадир ўтказди.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж. Бу инструктажни ўтказиш вақтини фабрика, завод касба уюшмаси комитетлари билан келишган ҳолда, саноат корхонасининг раҳбари белгилайди. Бу инструктажнинг мазмуни иш жойидаги инструктаж мазмуни билан бир хил. Инструктаж кириш инструктажи сингари ҳамма ишчилар иш стажи, малакаси, разрядидан қатъий назар ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари инструктаж. Бу инструктаж технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли ишчиларнинг хавфсизлиги сақлаш учун билимлари етишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Шу саноат корхонасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

Кундалик инструктаж. Наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин ўтказилади. Бу инструктаж ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допускка ёзиб қўйилади.

Хулоса ва таклифлар

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, туризм соҳаси бозор иқтисодиётига ўтишда асосий ўрин эгаллайди. Туризм ташкилотларида иш ўринларини ташкил этиш йирик корхонага қараганда кам харажатлар талаб этади. Бу рақобатли муҳитни яратади. У эса ривожланиш манбаидир. Айнан шу иқтисодий бўшлиқда юмшоқ ва самарали фаолият юритиш имкони мавжуд. Бу қандайдир йирик корхона қурилиши ва фаолият юритишига қараганда кўпроқ фойда беради. Туризм бизнесини ривожлантириш маҳаллий иқтисодиётнинг шаклланишининг долзарб вазифаси ҳисобланади. Туризмташкилот тузилмаларининг муваффақиятли ишлаши бутун иқтисодиёт барқарорлашиши ва мамлакат молиявий фаровонлигига олиб келади.

Мамлакатимизда туризм бизнесни ривожлантириш долзарб вазифа қилиб белгиланган, ҳамда бу борада кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, туризм саноатидаги асосий иштирокчилардан бўлган туристик ташкилотлар ушбу жараёнда муҳим уринни эгаллайди. Бозор иқтисодиёти ҳамда кучли рақобат шароитида, ҳар бир туристик ташкилотнинг асосий мақсади бу сайёҳларга иложи борица кўпроқ турдаги хизматларни таклиф қилишдан ва хизматлар ҳажмини оширишдан иборат. Аммо рақобат шароитида туристик ташкилот ўз молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиши, уларни тўғри бошқариши талаб этилади. Айнан шунинг учун туризм ташкилот субъектларига кредит беришда имтиёзлар, қулайликлар, шарт-шароитлар яратилмоқда. Бунда эса тижорат банкларининг ўрни бениҳоят каттадир. Юқоридакелтирибўтилгантадқиқотларасосидашунихулосақилибайтишмумки

нки,

мамлакатимизтижоратбанкларитомонидантуризмсоҳасиникредитлашфаолият иниолибборишдаҳалиҳамонқийинчиликларвамуаммоларгадучкелмоқда.

Туризм соҳасини кредитлаш жараёнида юзага келадиган турли хил

муаммоларни бартараф этиш учун эса аввало, аниқ мукаммал ишлаб чиқилган методикадан фойдаланиш зарурдир.

Республикамиз туризм соҳасига тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- замонавий туристик комплексларни бунёд этишда банк кредитлари ажратилишига эришиш;

- кредит бўлими томонидан туризм соҳасининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш мақсадида махсус консултасия (маслаҳат) курсларини ташкил этиш;

- валюта конвертасияси масаласини ҳал этиш;

- кредит муддатини қарз оловчи лойиҳасига қараб белгилаш;

- туризм соҳасига кредит бериш тармоқларини кенгайтириш;

- ташкил этилган ва фаолият олиб борётган туризм ташкилотларига кредит имтиёзларини белгилаш;

- туризм соҳасига ажратилаётган кредитни таъминоти масаласида потенциал қарз оловчилар учун суғурта компанияларнинг хизматларидан фойдаланишни кенгроқ йўлга қўйиш;

Юқоридаги таклифларимизнинг банк кредит фаолиятига жорий этилиши кредитлаш жараёнини, кредит самарадорлигини яхшилаш борасида ва банкларнинг туризм соҳасини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2011
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995 йил 21 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996 йил 25 апрел.
4. “Туризм тугрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов маърузалари ва асарлари

5. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
6. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сузи, 2012 йил 18 февраль.
7. Каримов И.А.Бизнинг йулимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йулидир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. - “Халқ сузи” газетаси.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ваҚарорлари

IV.

8. “Ўзбектуризм”

МҚсинингташкилтопишитўғрисида”гиЎзбекистонРеспубликасиПрезидентинингФармони // “Халксузи”, 1992 йил 27 июль.

9. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони. //Халк сузи, №74. 1999. 16 апрель

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2005 йил 15 апрел.

V. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 22 февралдаги 429-сон “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низоми.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 432-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 21 майдаги 575-сон “Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотлари тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми.

VI. Махсус адабиётлар, рузномалар ва журналлардаги мақолалар

14. Абдуллаева Ш. З. Банк иши: ўқув қўлланма. - Тошкент: Молия, 2003. - 312б.
15. Абдуллаев А. Банк мижозлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили. – Тошкент, - 79б.
16. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. / Ш.З.Абдуллаева - Тошкент: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2007. - 348б.
17. Пардаев М.К., Атабоев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш. Самарканд, 2006.
18. Тухлиев И.С. Туризм асослари. Самарканд 2009.
19. Хайитбоев Р., Пардаев О. Туризмнинг менежменти. Услубий қўлланма. Самарканд, 2010.
20. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320б.
21. Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагенсткой деятельности: учеб.пособ. - М.: КНОРУС, 2008. - 288 с.
22. Қутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2009,- 220б.
23. Курбонов Ж.М., Файзиев Ж. Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси (лотин ёзувида). - Самарканд, СамИСИ, 2009 й. - 166 б.

VI.Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари

24. Файзиева Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. И.ф.н.дисс. –ТДИУ, 2006. – 140 б.
26. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири (Испания мисолида) Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2004й. -135 б.

27. Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация. Тошкент, 2006й. -156 б.
28. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари: Иқтисод фанлари номзоди ... Дис.автореферати.-Т.: БМА, 2007.-20б.
29. Кадиров А.К. Тижорат банкларида кредит бериш механизмини такомиллаштириш йўллари. Иқтисоди фанлари номзоди ...Дисс.автореферати.-Т.: БМА, 2009.-21б.

VII. Статистик тўплamlари

30. “Ўзбектуризм” МК йиллик хисоботлари (2013 йил).
31. ОАТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг йиллик хисоботи(2013 йил).

VIII. Интернет сайтлари

32. www.gov.uz
33. www.cbu.uz
34. www.bankir.uz
35. www.uba.uz
36. www.bank.uz
37. www.uzreport.uz
38. www.stat.uz
39. www.ziynet.uz
40. www.sies.uz
41. www.e-tours.ru
42. www.travel-library.com